# №_ 37240- сонли ПУДРАТ ШАРТНОМА

2022 йил «12» август Яйпан шахри.

Икки томонлама хўжалик мунособатларини ифодаловчи мазкур шартнома биринчи томон ва иккинчи томон Низом асосида иш юритувчи **_Курилиш замини Кукон МЧЖ** (кейинги ўринларда «Иш бажарувчи» деб аталади) номидан раҳбари **Н А Ахмедов** Ўзбекистон Республикаси Қонунчилиги хамда ўз Низомига асосан фаолият юритувчи **Халқ таълими бўлими** номидан (келгусида «Буюртмачи» деб аталади) раҳбари **Н.Сиддиқова** ўрталарида қуйидаги максадларда тузилди:

**1.Шартнома предмети:**

1.1. «Иш бажарувчи» «Буюртмачи»га ўзаро келишув асосида нуксон далолатномалари ва лойиха-смета хужжатларига кўра қуйидаги турдаги реконструкцияишлари бажариб беради:

**Узбекистон тумани ХТБга карашли 8-мактаб худудида 32 х 16 м улчамдаги футбол майдонини реконструкция килиш**

1.2. Мазкур шартноманинг умумий киймати **347 053 008** сўм(уч юз кирк этти миллион эллик уч минг саккиз сум)ни ташкил килади.

1.3. Бажариладиган реконструкция ишларини хусусиятидан келиб чиқиб тегишли хужжатлар расмийлаштирилгани ҳолда томонларни ўзаро келишувига асосан алоҳида спецификация тузилиб тасдикланади ва ушбу шартномага илова қилинади.

1.4. Реконструкция ишларини бажариш муддати: шартнома имзоланган кундан бошлаб 25 кун муддатда яъни 06. 09,2022- йилгача реконструкция ишлари якунланиши шарт

**2. Ҳисоб-китоб шартлари:**

2.1. Бажарилган реконструкция ишлари учун хисоб-китоб келишилган нархларда, бажарилган ишлар далолатномаси, счет-фактура ва бошка тегишли хужжатлар расмийлаштирилиб "Буюртмачи" томонидан кабул килиниб олингандан сўнг тўлов жадвали бўйича амалга оширилади. Келишилган нархларнинг шаклланиши учун бажарилиши лозим бўлган реконструкцияишларини сметаси ёки калькуляция ва баҳолар прейскурантлари асос бўлиб ҳисобланади. Агар давлат назорат органлари томонидан ўтказилган текшириш ва тафтиш ишлар натижасида бажарилган реконструкция ишларида хато ва камчиликлар аникланса ва белгиланган нарҳлар юкори деб топилса, ушбу фарк «Иш бажарувчи» ҳисобидан копланади.

2.2«Буюртмачи» олдиндан 30 % микдорида туловни амалга оширади хамда тўлик хисоб-китобни «Иш бажарувчи» реконструкцияишларини бажаргандан сўнг 30 кун ичида амалга оширади.

2.3. Реконструкцияишларини бажарилиши жарёнида «Буюртмачи»га тегишли бўлган хом-ашёлар ва материаллардан фойдаланилганда бажарилган реконструкция ишлари кийматидан ушбу сарфланган хом-ашёлар ва материаллар киймати чиқариб ташланиб «Иш бажарувчи» билан хисоб-китоб килинади.

**3. Томонлар хукуки ва мажбуриятлари:**

3.1. «Иш бажарувчи» ўз кучлари ва ишлаб чикариш воситалари билан барча ишларни мазкур шартнома ва иловаларида яъни лойиҳа-смета хужжатларида кўзда тутилган даражада ва ҳажмларда, муддатида, сифатли,техник талабларга жавоб берадиган холатда бажариб тегишли хужжатларни тўғри расмийлаштиришни ўз зиммасига олади.

3.2. «Иш бажарувчи» томонидан бажарилган иш (хизматлар)ни бир кисми ёки хаммаси сифатсиз бажарилганлиги аникланиб «Буюртмачи» томонидан тегишли равишда далолатнома расмийлаштирилганда бажарилган ишларни сифатсиз қисми «Иш бажарувчи» томонидан ўз маблағлари ҳисобидан қайтадан бажариб берилади. Ушбу қўшимча бажарилган ишлар учун «Буюртмачи» томонидан тўлов амалга оширилмайди.

3.3 «Буюртмачи» «Иш бажарувчи» томонидан бажарилиши лозим бўлган реконструкцияишларини нуксон далолатномалари (дефект актлари), лойиҳа-смета хужжатлари ва бошка тегишли хужжатлари билан «Иш бажарувчи»ни таъминлайди.

3.4 «Буюртмачи» бажарилган реконструкцияишларини шартнома шартлари ва лойиха-смета хужжатларига тўғри келишини текшириб кабул килиб олгандан сўнг бажарилган реконструкция ишлари учун шартномада кўрсатилган муддатда тўловни амалга ошириши шарт.

3.5 Агар хуқукни химоя килувчи органлар томонидан текширишларда амалга оширилган реконструкция ишлари бўйича «Буюртмачи» га «Иш бажарувчи» томонидан қурилиш ишларини бажарилганлиги тўғрисидаги такдим этилган хужжатлардаги нархларда ёки бажарилган иш хажмида камомад аникланган тақдирда ушбу камомад «Иш бажарувчи» томонидан тўлик копланади.

**4. Жарималар қўлланилиши:**

4.1 Агар «Иш бажарувчи» томонидан «Буюртмачи»га сифатсиз бажарилган ишлар(хизматлар) тақдим этилганда «Иш бажарувчи» эса ушбу нуксонларни бартараф этишдан бош тортса, «Буюртмачи» «Иш бажарувчи»дан бундай бажарилган реконструкцияишларининг умумий кийматидан 50 %, лекин шартноманинг 1.2 бандида кўрсатиб ўтилган суммасининг 50% ошмаган ҳолда жарима қўллаб, конунчиликда белгиланган тартибда ундириб олинади.

4.2 Агар «Иш бажарувчи» томонидан шартномада белгиланган ишлар муддатларида бажарилиши таъминланмаса, «Иш бажарувчи» муддатида бажарилмаган реконструкцияишларини умумий кийматини 0.5% микдорида хар бир муддати ўтган куни учун «Буюртмачи»га жарима тўлайди.

4.3 Қабул қилинган реконструкция ишлари учун шартномада белгиланган муддат ичида асоссиз равишда тўлов амалга оширилмаган тақдирда хар бир кечиктирилган кун учун қабул килинган иш (хизмат) миқдори суммасидан "Буюртмачи" томонидан 0.4 % микдорида "Иш бажарувчи" га пеня тўланади.

4.4 Жарималар тўланиши «Иш бажарувчи»ни ва «Буюртмачи»ни шартномада белгиланган мажбуриятларини бажаришдан озод этмайди.

**5.Форс-мажор:**

5.1 Шартномада кўрсатилган шартлар томонларга боғлик бўлмаган фавкулодда ҳолларда бузилса (яъни сув тошкини,ёнғин,зилзила,бошка табиий офатлар ва ҳукуматнинг махсус карорларини бажариш билан боғлик ҳолатларда) томонлар жавобгар бўлмайди.

**6. Шартнома муддати:**

6.1. Шартнома иккала томонлар имзолангандан сўнг кучга киради.

6.2 Шартноманинг амал килиш муддати 2022 йил 31 декабргача. Маълум сабабларга кўра бажарилган реконструкция ишлари учун ўз вактида тўловни амалга ошириш имкони бўлмаганда томонларни ўзаро келишувига асосан тўлов учун кўшимча вакт белгиланади.

6.3 Шартнома куйидаги ҳолларда муддатидан олдин бекор килиниши мумкин:

а) Томонлар ўзаро ёзма келишувига асосан;

б) «Иш бажарувчи» томонидан бажарилган реконструкцияишларини сифатсизлиги тўғрисида «Буюртмачи» омонидан белгиланган тартибда хужжат расмийлаштирилиб тегишли хулоса олинганда;

в) «Иш бажарувчи» томонидан мазкур шартноманинг 3.1 ва 3.2 бандлари бажарилмаганда;

г) бюртмачи харажатлар сметасига ёки лойиха-смета ҳужжатларига белгиланган тартибда ўзгартириш киритилиши натижасида шартнома суммаси камайтирилиши лозим бўлгани ҳолда «Иш бажарувчи» ушбуга розилик бермаган такдирда;

д) Нархлар ўзгариши натижасида махсулотларнинг, бажарилган реконструкцияишларини нархи маълум санадан ўзгариши (камайиши ёки купайиши)лозим бўлгани ҳолда томонлар ўзаро келиша олмаган такдирда;

Изох: **б, в, г, д** пунктлари бўйича шартномалар «Буюртмачи» томонидан бир томонлама бекор килиниши мумкин. Шартноманинг бекор килингани тўғрисида «Буюртмачи» «Иш бажарувчи»га ёзма равишда, асосларини келтирган ҳолда хат билан маълум килади.

**7. Кўшимча шартлар:**

7.1 Шартнома юзасидан келиб чиккан низолар ўзаро хал килинади. Ўзаро хал килинмаган такдирда Ўзбекистон Республикаси конунларига асосан Иктисодий судлари оркали хал килинади.

7.2 «Иш бажарувчи» ўз фаолиятини юргизиш учун лозим бўлган хужжатлардан (лицензия,гувоҳнома) «Буюртмачи»га такдим этади.

7.3 Шартномани бажарилиши учун тааълукли хужжатларни хакконийлиги ва тўғрилиги учун ушбу хужжатларни такдим этаётган томонлар маъсул ва жавобгардирлар.

7.4 Ушбу шартнома томонлар ўртасида имзолангандан сўнг белгиланган тартибда ва муддатда тегишли ғазначилик бўлинмасида рўйхатдан ўтказилиши шарт. Рўйхатдан ўтказилмаган шартномалар бўйича тўлов амалга оширилмайди.

7.5 Шартномага барча ўзгартиришлар иккала томонлама келишилган ва томонларнинг имзо ва муҳрлари билан тасдикланиб сўнг амалга оширилади.

Шартнома юзасидан келиб чиккан низолар ўзаро хал килинади.

**8. Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:**

| **«Иш бажарувчи»** | **«Буюртмачи»** |
|---|---|
| Курилиш Замини Кукон МЧЖ | **Халқ таълими бўлими**<br>(буюртмачи) |
| Манзил Фуркат тумани Ардахшон МФЙ | Манзил:_Ўзбекистон тумани Яйпан шаҳри<br>Тел./факс ______________ |
| тел : 90 150 90 00 | ш/х* 401722860302307092100075031<br>СТИР 200189130<br>ОКОНХ___97600__ |
| ХВ: 20208000800938567001<br>Банк номи: Кишлок курилиш банк | Молия вазирлиги Ғазначилиги Ягона ғазна хисоб варoғи 23402000300100001010<br>Банк номи: Марказий банк<br>МФО: 00014, СТИР: 201122919 |
| МФО 00630<br>ИНН 305838494 | |
| Рахбар _______ Н А Ахмедов | Рахбар: _______________ Н.Сиддикова<br>(имзо) |

«УТВЕРЖДАЮ»
Заместитель хокима
Узбекистанский района
___________________
«___» _________ 2022 г

# ТИТУЛЬНЫЙ СПИСОК СТРОЙКИз

Раздел 1. Основные данные по стройке

| | |
|---|---|
| 1. Наименование и местонахождение | Реконструкция футбольного поля 32х16 м на территории 8-й школы, принадлежащей отделу народного образования района Узбекистан |
| 2. Инвестор | |
| 3. Заказчик | Отдел народного образования района Узбекистан |
| 4. Разработчики | |
| 4.1 ТЭО | |
| 4.2 ПСД и/или ТД | ООО «Фаргона коммунал лойиха» |
| 4.3 Экспертизы | Узбекистон Республикаси Курилиш Вазирлиги «Шахарсозлик хужжатлари экспертизаси» ДУК |
| 5. Генеральный подрядчик | ООО «QURILISH ZAMINI QO'QON» |
| 6. Источник финансирования | За счёт Госбюджетных средства |
| 7. Срок начала и окончания строительства | 2022 – 2022 (Сентябрь) |
| 8. Основные показатели стройки | По ПСД |
| Мощности: площадь возвращаемый и севооборот, га | |
| Основные фонды | 347,053 млн сум с ндс |
| Капитальные вложения | 347,053 млн сум с ндс |
| Строительно – монтажные работы | 347,053 млн сум с ндс |
| Оборудование и инвентарь | |
| Прочие работы и услуги | |
| В.т.ч. содержание службы заказчика | |

Раздел 2. Поквартальная разбивка прогноза на 2022 год (в тек ценах млн, сум)

| | Всего на год | в том числе по кварталам | | | |
|---|---|---|---|---|---|
| | | 1 | 2 | 3 | 4 |
| Основные фонды | 347,053 | | | 347,053 | |
| Капитальные вложения | 347,053 | | | 347,053 | |
| Строительно – монтажные работы | 347,053 | | | 347,053 | |
| Оборудование и инвентарь | | | | | |
| Прочие работы и услуги | | | | | |
| В.т.ч содержание службы заказчика | | | | | |

*Утверждено 5% договорной стоимости 17,352 млн сум

Буюртмачи:

Отдел народного образования района Узбекистан: Н. Сиддикова

## БЮДЖЕТ ХИСОБИГА МОЛИЯЛАШТИРИШ ГРАФИГИ

Узбекистон тумани халк таълим булимига карашли 8-мактаб худудидаги 32х16 м улчамдаги футбол майдонини реконструкция килиш учун

| № | Номи | 2021 йил | | | | | Жами 2022 йил |
|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Шартнома киймати (мин сум) | 1 – квартал | 2 – квартал | 3 - квартал | 4 - квартал | |
| | | | | | Сентябрь | | |
| 1 | Узбекистон тумани халк таълим булимига карашли 8-мактаб худудидаги 32х16 м улчамдаги футбол майдонини реконструкция килиш | 347,053 | | | 347,053 | | 347,053 |
| | **Жами:** | **347,053** | | | **347,053** | | **347,053** |

Буюртмачи:

Отдел народного образования района Узбекистан: Н. Сиддикова

Пудратчи:

ООО «QURILISH ZAMINI QO'QON»

Н. Ахмедов

**АО "Страховая компания КАФОЛАТ"**

KAFOLAT

*Настоящий Полис разработан на условиях Правил страхования по классу 8,9,13 депонированных Государственной инспекцией по страховому надзору при Министерстве финансов Республики Узбекистан 10 февраля 2003 года.*

# ПОЛИС
## обязательного страхования строительно-монтажных рисков

АО "Страховая компания КАФОЛАТ" на основании ПКМ РУз № 532 от 20.12.99г. «Об обязательном страховании строительных рисков при возведении объектов за счет государственных средств и кредитов под правительственную гарантию», «Положения о порядке кредитования коммерческими банками подрядных организаций при осуществлении строительства объектов «под ключ» за счет централизованных источников финансирования» от 19 мая 2004г. (п.п. 3,7) и Договора обязательного страхования строительно-монтажных рисков **№12-05/2022/2/-1 от «15» август 2022 г**. предоставляет страховую защиту имущественных интересов: **Узбекистон тумани 8- сонли мактаб худудидаги 32х16 м улчамдаги футбол майдонини реконстуксия килиш**

**Страхователь:** **«Курилиш Замини Кукон» МЧЖ**

**Общая страховая сумма:** **277 643 095 (Двести семьдесят семь миллионов шестьсот сорок три тысячи девяносто пять) сум 00** тийин в том числе по:

а) материальному ущербу – **249 878 786** сум **00** тийин

б) ответственность перед третьими лицами –**27 764 310** сум **00** тийин

**Страховая премия:** **1 110 572 (Один миллион сто десять тысяч пятьсот семьдесят два) сум 00** тийин

**Период страхования:** **Обязательства** АО "Страховая компания КАФОЛАТ" вступают в силу с момента поступления страховой премии и **действуют по 24.00 часов «14» август 2023г**.

От имени Страховщика:

**Умурзаков К.Т.**

(подпись)

м.п.

Дата выдачи: «15» август 2022 г.

0448253

O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI ADLIYA VAZIRLIGI
FARG'ONA VILOYAT ADLIYA BOSHQARMASI
O'ZBEKISTON TUMAN ADLIYA BO'LIMI
YURIDIK XIZMAT KO'RSATISH MARKAZI
151800, O'zbekiston tumani, Yaypan shahar, Ziyokor ko'chasi.
Tel: (99873) 539 15 38, el.pochta: uzbekiston.t-yurmarkaz@adliya.uz

# YURIDIK AHAMIYATGA EGA HUJJATLARNING QONUN HUJJATLARIGA MUVOFIQLIGI TO'G'RISIDA HUQUQIY XULOSA

**1.Loyihaning turi : Shartnoma.**
**2.Loyihaning nomi: Haq evaziga xizmat ko'rsatish shartnomasi loyihasi.**
**3.Loyihani ishlab chiqqan tashkilot: O'zbekiston tumani Xalq ta'limi bo'limi.**
**4.Loyiha yuzasidan ma'lumot:**

O'zbekiston tumani Xalq ta'limi bo'limi va "QURILISH ZAMINI QO'QON" MChJ o'rtasida jami qiymati 347.053.008 so'm bo'lgan O'zbekiston tumani Xalq ta'limi bo'limi tasarrufidagi 8-sonli maktab hududidagi 32x16 m o'lchamdagi futbol maydonini rekonstruksiya qilish to'g'risidagi shartnomasi loyihasi huquqiy xulosa olish uchun taqdim qilingan.

O'zbekiston Respublikasining 29.08.1998 yildagi "Xo'jalik yurituvchi subyektlarning shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi Qonunning 5-moddasiga asosan yuridik shaxslar, shuningdek yuridik shaxs tashkil etmagan holda tadbirkorlik faoliyatini amalga oshirayotgan jismoniy shaxslar xo'jalik shartnomalarining subyektlari (taraflari) bo'ladi.

O'zbekiston Respublikasining 29.08.1998 yildagi "Xo'jalik yurituvchi subyektlarning shartnomaviy-huquqiy bazasi to'g'risida"gi Qonunning 10-moddasi birinchi qismiga ko'ra, xo'jalik shartnomasi shartnoma predmetini, yetkazib beriladigan tovarning (ishning, xizmatning) miqdori, sifati, assortimenti va bahosini, shartnomaning bajarilish muddatlarini, hisob-kitob qilish tartibini, taraflarning majburiyatlarini, shartnoma majburiyatlari bajarilmaganda yoki lozim darajada bajarilmaganda taraflarning javobgarligini, nizolarni hal etish tartibini hamda taraflarning rekvizitlarini, shartnoma tuzilgan sana va joyni, shuningdek bunday turdagi shartnomalar uchun qonunchilikda belgilangan yoki taraflardan birining arizasiga ko'ra o'zaro kelishuvga erishish lozim bo'lgan boshqa muhim shartlarni nazarda tutishi kerak. Shartnoma loyihasida mazkur Qonun talablariga amal qilingan holda mazkur shartlar nazarda tutilgan.

Fuqarolik kodeksining 108-moddasiga asosan yuridik shaxslarning o'zaro bitimlari oddiy yozma shaklda tuzilishi belgilangan. Taqdim etilgan shartnomasi oddiy yozma shaklda tuzilgan. Shartnomaga shartnoma tuzish vakolati bo'lgan mansabdor shaxs tomonidan imzolanishi lozim.

O'zbekiston Respublikasining 2021-yil 22-apreldagi "Davlat xaridlari to'g'risida"gi O'RQ-684-sonli Qonunining 56-moddasi birinchi qismiga ko'ra, eng yaxshi takliflarni tanlash vositasidagi davlat xaridi quyidagi shartlar bir vaqtning o'zida bajarilgan taqdirda amalga oshiriladi:

IJRO.GOV.UZ тизими орқали ЭРИ билан тасдиқланган, Ҳужжат коди: RP4332661214

g'olibni aniqlash mezonlari tovar (ish, xizmat) davlat xaridining nafaqat pul ifodasiga, balki miqdoriy va sifat bahosiga ham ega bo'ladi;

tovarning (ishning, xizmatning) qiymati bir shartnoma bo'yicha bazaviy hisoblash miqdorining yigirma besh ming baravarigacha (budjet buyurtmachilari uchun olti ming baravarigacha) bo'lgan miqdorni tashkil etadi.

Mazkur Qonunning 62-moddasi birinchi qismida "Takliflarni taqqoslash natijalariga ko'ra xarid komissiyasi tanlash g'olibini aniqlaydi va tanlash o'tkazish natijalarini bayonnomada aks ettiradi." deb belgilangan.

O'zbekiston tumani Xalq ta'limi bo'limi xarid komissiyasining 2022-yil 8-avgustdagi 128581-sonli bayonnomasiga asosan O'zbekiston tumani Xalq ta'limi bo'limi tasarrufidagi 8-sonli maktab hududidagi 32x16 m o'lchamdagi futbol maydonini rekonstruksiya qilish yuzasidan o'tkazilgan tanlovda "QURILISH ZAMINI QO'QON" MChJ tanlov g'olibi deb belgilangan.

"Davlat xaridlari to'g'risida"gi Qonunning 63-moddasi birinchi qismiga asosan tanlash natijalariga doir shartnoma tanlash bo'yicha xarid qilish hujjatlarida va o'zi bilan shartnoma tuzilayotgan tanlash ishtirokchisi tomonidan taqdim etilgan taklifda nazarda tutilgan shartlar asosida tuziladi.

Taqdim etilgan hujjatlarni o'rganib, yuqoridagilarga asosanlangan holda

**XULOSA:**

Mazkur shartnomasi loyihasi amaldagi qonunchilik hujjatlari talablariga muvofiq hisoblanadi.

**Bosh yuriskonsul't** **A.Turdialiyev**

2022-yil 11-avgust

"ТАСДИҚЛАЙМАН"
Ўзбекистон тумани Халқ таълими
бўлими мудири (комиссия раиси)
_______ Н.Сиддикова

**Ўзбекистон тумани Халқ таълими бўлими**
**Харид комиссиясининг**

**20-СОНЛИ МАЖЛИС БАЁНИ**

2022 йил 11-август Яйпан шахри

**Раислик қилувчи:**

| | |
|---|---|
| Н.Сиддиқова | - Халқ таълими бўлими мудири комиссия раиси |
| А.Набиев | - марказлашган молия бухгалтерия хизмати бош хисобчи – комиссиаъзоси |
| Н.Нишонова | - бўлим мудири ўринбосари - комиссия аъзоси |
| М.Мирбадалов | - марказлашган молия бухгалтерия хизмати бош иқтисодчиси - комиссия аъзоси |
| З.Турғунова | Д.Х ва шартномалар бўлими бошлиғи - комиссия аъзоси |
| Ж.Рахмонов | - махсус таъмирлаш эксплуатация бўлими бошлиғи - комиссия котиби |

***Кун тартибидаги масала:***

Фарғона вилояти Узбекистон тумани ХТБга қарашли 8- мактаб худудида 32х16 ўлчамдаги сунъий қопламали , атрофи темир тўсиқ билан ўралган болалар футбол майдончаси қуриш. 26.07.2022-йил Лот № 22110012128581 билан электрон давлат харидлари платформасига жойлаштирилга бўлиб,02.08.2022-йилдда ушбу лотга таклифларни қабул қилиш якунланган. Келиб тушган таклифлар харид комиссиясига таклиф этилди. Якуний натижалаарга кўра "QURILISH ZAMINI QOQON" МЧЖ ғолиб деб топилди.

Кун тартибидаги масала юзасидан Ўзбекистон тумани халқ таълими бўлими мудири Н.Сидликова Сўзга чиқиб, танлов шаффоф хамда талабларга мос ўтганини айтиб ўтди. Шундан сўнг сўз олган комиссияси аъзоси А Набиев, энг яхшии таклифни танлаш юзасидан мухокама кунларида хеч қандай эътирозлар келиб тушмаганлиги хамда хеч кимда эътирозлар йўқлигини айтиб ўтди. Харид Комиссияси танлаш бўйича эътирозлар келиб тушмаганлиги сабабли "QURILISH ZAMINI QOQON " МЧЖ билан икки томонлама шартнома тузишга келишди.

**Н.Сиддиқова** _______ **М.Мирбадалов** _______

**Н.Нишонова** _______ **З.Турғунова** _______

**А.Набиев** _______

**XALQ DEPUTATLARI O’ZBEKISTON TUMANI KENGASHI**
**QARORI**

2022 - yil 13 - aprel VI-49-50-11-161-K/22 O‘zbekiston tuman hokimligi

# Жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган ва овоз бериш якунига кўра ғолиб таклифларни танлаб олиш ва “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”дан мазкур тадбирларга маблағлар ажратиш тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–5072-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2021 йил 22 апрелдаги КҚ-213-IV-сонли қарорига асосан жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни танлаб олиш ва “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси”дан мазкур тадбирларга маблағлар ажратиш мақсадида Халқ депутатлари Ўзбекистон туман Кенгаши

**Қ А Р О Р  Қ И Л А Д И:**

**1.**Қуйидагилар:

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 13 апрелдаги “Бюджет жараёнида фуқароларнинг фаол иштирокини таъминлаш бўйича қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ–5072-сонли ва Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгашининг 2021 йил 22 апрелдаги КҚ-213-IV-сонли қарори асосида жорий йилнинг 1-февралидан 2-апрелига қадар ўтказилган уч босқичдан иборат жамоатчилик фикри асосида тадбирларни шакллантириш жараёни натижалари бўйича туман ҳокимлиги молия бўлими мудири М.Рўзиматовнинг ахбороти;

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 апрелдаги “Туман ва шаҳар бюджетлари маблағларини жамоатчилик фикри асосида шаклланирилган тадбирларга йўналтириш жараёнларида фуқароларнинг

иштирокини янада қўллаб-қуватлаш тўғрисида”ги ПҚ-197-сонли қарорига асосан Ўзбекистон туманига ҳар бири 2 мингтадан ортиқ овоз тўплаган, лекин ғолиб бўлмаган **9 та** таклифларни молиялаштириш учун **3470 млн.сўм** қўшимча маблағ ажратилганлиги маълумот учун қабул қилинсин.

**2.** Ишчи гуруҳ хулосаларига асосан, Халқ депутатлари Ўзбекистон туман Кенгашининг 2022 йил 9-февраль кунги VI-46-22-11-161-К/22-сонли қарори билан тасдиқланган Низом талабларидан, шунингдек, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2022 йил 7 апрелдаги “Туман ва шаҳар бюджетлари маблағларини жамоатчилик фикри асосида шаклланирилган тадбирларга йўналтириш жараёнларида фуқароларнинг иштирокини янада қўллаб-қуватлаш тўғрисида”ги ПҚ-197-сонли қароридан келиб чиқиб, “**ЭНГ КЎП**” овоз олган ҳамда “Очиқ бюджет” ахорот порталида автоматик тарзда ғолиб сифатида танлаб олинган таклифлар “ғолиб” деб топилсин.

Ушбу таклифларни молиялаштириш бўйича “Манзилли рўйҳат” иловага мувофиқ тасдиқлансин ҳамда ижро учун қабул қилинсин.

Бунда,

**-** Жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни амалга ошириш бўйича тузилган шартномага ишлар ҳажмининг кўпайиши ёки лойиҳанинг ўзгартирилиши билан боғлиқ ўзгартиришлар киритилишига йўл қўйилмаслик;

-Жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтириладиган шаҳар бюджети маблағлари шаҳар ҳокимлиги қошида очилган “Фуқаролар ташаббуси жамғармаси” шахсий ғазна ҳисобварағида жамланган маблағларни бошқа мақсадларга сарфланиши тақиқланиши белгилаб қўйилсин.

**3.** Тасдиқланган Манзилли рўйхат асосида:

-Туман ҳокимлиги Молия бўлими (М.Рўзиматов) танлаб олинган тадбирларни молиялаштирилишини таъминлаш мақсадида, буюртмачи ташкилотларига тегишли маблағ манбаси бўйича (4017) “Фуқаролар ташабуси жамғармаси” махсус ҳисоб рақамлари очилишини;

-Туман ҳокимлиги ҳисобхонаси (Ҳ.Комилов) Жамғарма маблағлари ҳисобидан тегишли буюртмачи ташкилотларга маблағлар йўналтирилишини;

-Буюртмачи ташкилотлар ажратилган маблағларни лойиҳа-смета

ҳужжатлари асосида белгиланган тартибда мақсадли ишлатилиши ва амалга оширилган ишлар бўйича Ҳалқ депутатлари туман Кенгаши ва туман ҳокимлиги ҳузуридаги Ишчи гуруҳга маълумот киритиб борилишини таъминласин.

**4.** Туман ҳокимлигининг ахборот хизмати раҳбари-матбуот котиби (Д.Жабборов) ва туман молия бўлими (М.Рўзиматов) билан биргаликда жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган ва "ғолиб" деб топилган тадбирларнинг молиялаштириши ҳамда амалга оширилиши лозим ишлар бўйича маълумотларни "Очиқ бюджет" порталига жойлаштирилиши ва кенг жамоатчиликка мунтазам ёритиб борилишини таъминласин.

**5.** Туман бюджетларининг жамоатчилик фикри асосида шакллантирилган тадбирларни молиялаштиришга йўналтирилган маблағларининг белгиланган мақсадларда ва самарали фойдаланилиши ҳамда маблағларнинг ажратилиши учун тақдим этиладиган барча ҳужжатларнинг ҳаққонийлигига Ишчи комиссия аъзолари шахсан жавобгарлиги эслатиб ўтилсин.

**6.** Мазкур қарор ижросини таъминлаш ва назорат қилиш комиссия аъзолари зиммасига юклатилсин.

**Tuman hokimi** **Ш.Юлдашев**

Xalq deputatlari O‘zbekiston tuman Kengashining
2022 yil 13 apreldagi
VI-49-50-11-161-K/22-son qaroriga
1-ilova

**Ўзбекистон тумани бўйича 2022 йил "Ташаббусли бюджет" жараёнининг 1-босқичи натижаларига асосан жамоатчлик фикри асосида шаклланган тадбирларнри молиялаштириш бўйича**
**МАНЗИЛЛИ РЎЙХАТ**

| Таклиф ID рақами | Қисқача мазмуни | Тўплаган овозлари сони | Фуқаролар ташаббуси жамғармаси | Маҳаллий бюджетнинг қўшимча манбаалари ҳисобидан | Бюджет параметри доирасида | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| | | Ўзбекистон тумани жами | | 10 200 000 | 10 200 000 | 10 200 000 | 0 | 0 | | | |
| 1 | 1440400001 | Ko‘l Elash MFY da ta‘mir talab yo‘llarni asfaltlash | 8560 | 900 000 | 900 000 | 900 000 | | | Туман ободонлаштириш бошқармаси | | |
| 2 | 1440400202 | 49-sonli maktab navbtalilik koefitsenti balandligi sababli qo'shimcha xonalar qurish | 8368 | 900 000 | 900 000 | 900 000 | | | Туман халқ таълими бўлими | | |
| 3 | 1440400197 | Узбекистон туман тиббиёт бирлашмаси Куп тармокли марказий поликлиника болалар булими реконцтрукция килинаётганлиги сабабли каттик жихозлар билан таьминлаш | 8301 | 600 000 | 600 000 | 600 000 | | | Туман тиббиёт бирлашмаси | | |
| 4 | 1440400127 | Шакаробод МФЙ Маьрифат хамда Зиёкор кучаларини инфраструктурасини яхшилаш керак | 7156 | 800 000 | 800 000 | 800 000 | | | Туман ободонлаштириш бошқармаси | | |
| 5 | 1440400078 | Муйи муборак махалласи ички йўлларини асфалт қилиш учун маблаг зарур. | 7148 | 800 000 | 800 000 | 800 000 | | | Туман ободонлаштириш бошқармаси | | |
| 6 | 1440400105 | Укчи мфй Укчи бозорбоши кучасидаги кабристон йулини асфалт килиш ва Укчи мфй кабристон деворини мукаммал тамирлаш | 6872 | 600 000 | 600 000 | 600 000 | | | Туман ободонлаштириш бошқармаси | | |
| 7 | 1440400148 | 13 сонли мактабга фаоллар зали куриш, атроф деворни ураш, жорий таьмир | 6708 | 800 000 | 800 000 | 800 000 | | | Туман халқ таълими бўлими | | |
| 8 | 1440400071 | Farg'ona viloyati O'zbekiston tumani 12-umumiy o'rta ta'lim maktabining eski binosi, yani boshlang'ich sinflar ta'lim oladigan binoni tamirlash uchun. | 6667 | 350 000 | 350 000 | 350 000 | | | Туман халқ таълими бўлими | | |
| 9 | 1440400004 | Узбекистон тумани янги хаёт мфй худудидаги ички йулларни асфалтлаш | 6506 | 980 000 | 980 000 | 980 000 | | | Туман ободонлаштириш бошқармаси | | |
| 10 | 1440400122 | Nursux QFY ga qarashli uchbolak MFY ga umuman tabiiy gaz tarmogi tortilmaganligiga yarasha asfalt, ichimlik suvi, 2 dona Yangi KTP ornatish kerak ( MFY ning infratuzilmasini yaxshilash) | 6381 | 760 000 | 760 000 | 760 000 | | | Туман ободонлаштириш бошқармаси | | |
| 11 | 1440400022 | O'zbekeston tumanida joylashgan 21 maktabni joriy tamirlash | 6007 | 300 000 | 300 000 | 300 000 | | | Туман халқ таълими бўлими | | |
| 12 | 1440400079 | 17 Maktabga yangi zamonaviy 16 ochkoli xojatxona qurish | 5597 | 176 000 | 176 000 | 176 000 | | | Туман халқ таълими бўлими | | |

| № | Ғолиб таклиф маълумотлари | Амалга оширишнинг аниқланган қиймати | Ҳақиқатда жами ажратилган маблағ | Шундан | Буюртмачи этиб белгиланган ташкилот |
|---|---|---|---|---|---|

| | | | | | | | | | | |
|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|---|
| 13 | 1440400099 | Farg'ona viloyati O'zbekiston tumani XTB tasarrufidagi 36 - umumiy o'rta ta'lim maktabi 1969 yilda qurilgan. Maktab 2008 - yilda kapital rekonstruksiyadan chiqarilgan. Maktabda jami 670 nafar o'quvchilar 2 navbatda ta'lim olishadi. Tashabbusdan maqsad maktab binosini o'rab turgan devor yaroqsiz bo'lganligi sababli maktab binosini o'rab turgan devorni yangilashda amaliy yordam so'rayman. | 5225 | 200 000 | 200 000 | 200 000 | | | Туман халқ таълими бўлими |
| 14 | 1440400042 | Ўзбекистон тумани Халқ таълими бўлимига қарашли 8-сонли умумтаълим мактабида 3 та фуқаролар йиғини (Даҳана-қақир, Карим обод, Ойимча-қақир МФЙлар)да яшовчи оилалар фарзандлари тахсил олади.<br>Мактаб филиалида бошланғич синфлардаги 750 нафар ўқувчилар учун спорт зали ва спорт майдончаси мавжуд эмас.<br>Шу сабабли мактаб филиалига замонавий спорт майдончаси қуриш ва уни атрофини ободонлаштириш мақсадга мувофиқ. | 5015 | 400 000 | 400 000 | 400 000 | | | Туман халқ таълими бўлими |
| 15 | 1440400067 | 25-DMTT 2 yozgi bolalar ayvonchasini ta'mirlash, 3 ta yangi yozgi bolalar ayvonchasi qurish. DMTT kirish qismi 30 metr naves qilish. 30 metr atrof devor bilan o`rash. | 2894 | 200 000 | 200 000 | 200 000 | | | Туман мактабгача таълим бўлими |
| 16 | 1440400074 | O'zbekiston tumani Ziyo Nursux mfy 26-maktamni ta'mirlash uchun | 2787 | 500 000 | 500 000 | 500 000 | | | Туман халқ таълими бўлими |
| 17 | 1440400010 | Ўзбекистон туманида жойлашган 59 мактаб биносини жорий таьмирлаш | 2753 | 350 000 | 350 000 | 350 000 | | | Туман халқ таълими бўлими |
| 18 | 1440400116 | Tumandagi 48 -sonli maktabni mavjud o'quv binosi xamda faollar zalini tamirlash | 2410 | 584 000 | 584 000 | 584 000 | | | Туман халқ таълими бўлими |